

САК ЭТНОНИМИ

Омонтурдиев Ш., ТерДУ аспиранти

Ўзбек халқини халқ сифатида шаклланишида бактрияликлар, хоразмликлар, сўғдлар, сак ва массагетлар асосий ўрин эгаллайди. Ўрта Осиёдаги бронза даври қабилалари ўлкамизда яшаб ўтган қадимги элатга асос солган. Саклар ҳақида шу вақтгача маълум бўлган илк ёзма маълумотлар Геродотдан тортиб Страбон, Арриан, Квинт Курций Руф, Плутарх сингари тарихчилар асарларида, Аҳамонийлар даври битикларида сақланиб қолган. Кўчманчи қабилаларни антик юнон тарихчилари скифлар, саклар ва массагетлар деб атаганлар. Аҳмонийлар даври ёзувларида эса улар “шак”-саклар деб ёритилган ва тўрт катта гуруҳга бўлинган: сака-хаумоварка, сака-тиграхауда, сака-тиай-пара сўгдам ва сака-тиай дарайё. Кўчманчи сак қабилалари яшаган ҳудудлар Орол денгизи бўйи, Амударё ва Сирдарёнинг ўрта оқими, ҳозирги Тошкент воҳаси, Фарғона ва Помир тоғи ёнбағирларида деб кўрсатилади. Сак – сўзининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида турли қарашлар бор.

Замонавий адабиётда саклар муаммоси ҳақидаги асосли фикрларини А.Н.Бернштам (1;349; 2; 144-145), С.С.Черников (3; 33; 4; 137), К.А.Акишев, М.К.Қодирбоев К.Ф.Смирновлар биринчилардан бўлиб ёритган. 1951 йили

О.Жемераньн фикрича сакнинг қадимий форсча шакли *svan* бўлган ва унга хўтан –

сакларида *ssan* сўзи эмас *svan* ёки *ssuvan* шаклида тўғри келади деган фикрни берган ва бу сўзнинг маъноси “ит”га тўғри келмаслигини бошқа тилшунослар ҳам таъкидлаб ўтганлар. О.Жемерани сака сўзини қадимги форсча сўз деб ҳисоблайди. Лингвистик таҳлилга кўра у шундай хулосага келади: - бу сўз “югураётган (чопаётган, тезроқ, бормоқ, оқмоқ)” деган маънони беради ва бу маъно кўчманчи сакларга жудаям яқинроқ. Бу борада Г.Бэйли 1985 йили танқидий фикр билдириб, сакнинг биринчи маъноси йўқолган, сака – сак сифатида “кучли”, “ишбилармон (уддабурон)” деган

маънога эга. Ригведада келтирилган *su - saka* нинг маъноси “эрлар”, “йигитлар” яъни саклар – бу “кучли йигитлар, кучли баҳодирлар” маъносини беради. Г.Бейлининг фикрича сака – сўзини гап билан боғлаганда ҳайвон номи билан боғлиқ. Осетинча *sak -*

saka - “буғу” ёки *svan* - “ит” деган маъноларни мутлақо нотўғри эканлиги ва шу билан бирга *sak* сўзининг маъноси – “ҳаракатланмоқ” – деб ҳисоблайди. Қадимги кўчманчилар тарихини ўрганишда қуйи Сирдарёда жойлашган Тагискен мақбараларга (мил.авв. IX-VIII асрлар) эътибор қаратиш керак. Улар ҳам ғишдан қурилган тўртбурчак, доирасимон мақбаралардир. Сакларнинг ёдгарликлари - Қуйи Зарафшан, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тангритоғ орасида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қурооллар, тақинчоқлар, меҳнат қурооллари ва сопол идишлар учрайди.

Помирдаги Окбеит, Томди ва Аличур, Фарғонадаги Дашти Ашт, Қуйи Сирдарёда Уйгарак ёдгорликлари қадимги кўчманчилардан қолган мазор-қўрғонлар ёки катта жамоа қабристонларидир.

Ушбу мазорларда от анжомлари ва темирдан ясалган қилич, ҳарбий болталар, бронза пайконлар кўп учрайди. Илк темир даври кўчманчиларини кенг қамровли маданий алоқалар бир-бири билан боғлаб турган. Кўчманчиларининг уй-жойи, ер тўла ва чайласимон уйлардан иборат бўлган.

Адабиётлар:

1. Бернштам А.Н. “Основные этапы истории культуры Семиречья и Тянь-Шаня,-СА. 1949.
2. Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической Экспедиции «Чуйская долина». Сост . под рук .А. Н. Бернштам . -М -Л., 1950 (МИА).

3. Черников С.С. Роль андроновской культуры в истории Средной Азии и Казахстана.- КСИЭ. 1957.
4. Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. -М.-Л.: 1960 (МИА, № 88).